



АЛОҲИДА СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИК МУНОСАБАТЛАРИНИ ЯНАДА ЮҚОРИ ДАРАЖАГА ОЛИБ ЧИҚИШ УЧУН МУСТАҲКАМ ПОЙДЕВОР ЯРАТИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев давлат ташрифи билан
Корея Республикасида бўлиб турибди.



Ташрифнинг асосий тадбирлари 17 декабрь кuni ўтказилди.

Корея Республикаси Президентининг Сеул шаҳридаги “Чонг Ва Дэ” қароргоҳида Ўзбекистон Республикаси Президентининг расмий кутиб олиш маросими бўлди. Олий мартабали меҳмон ва унинг рафиқаси шарафига фахрий қоровул саф тортди. Икки мамлакат давлат маҳиялари янгради. Тантанали маросимда Тонгги софлик мамлакатининг қадимий тарихи ва ёрқин замонавийлиги ўз аксини топди.

Сўнг давлат раҳбарлари икки мамлакат расмий делегациялари иштирокида музокара ўтказдилар.

Корея Республикаси Президенти

олий мартабали меҳмонни кутлар экан, Сеул Тошкент билан ҳамкорликни барча йўналишларда янада ривожлантиришга катта аҳамият қаратаётганини таъкидлади.

— Хурматли Шавкат Мирзиёев жанобларини, менинг қадрли биродаримни кутлайман. Сеулга хуш келибсиз. Шу йил январь ойидаги учрашувимизни яхши эслайман. Уша мулоқотимиз жорий йилда биринчи олий даражадаги учрашувим бўлди. Бугун эса Сиз билан йил якунида юзма-юз кўришиб турибмиз. Менинг дипломатик тадбирларим айнан Сиз билан бошланиб, якунига етаётганидан, айниқса, мамнунман. Корея ва Ўзбекистон алоҳида стратегик шериклик

муносабатлари билан боғланган ҳамкорлардир. Биргаликдаги саноат-харажатлар билан қишлоқ хўжалиги ускуналари ва электр техникаси ишлаб чиқариш, энергетика тармоғи ва энергетика, саноат корхоналарини барпо этиш каби соҳаларда турли лойиҳалар амалга оширилмоқда. Сизнинг ташрифингиз доирасида қатор муҳим ҳужжатларга имзо чекилади. Биз Ўзбекистон билан елкама-елка туриб, глобал климат ўзгаришларига қарши туришга, “ақлли” шаҳарлар, смарт-фермалар, АКТ ва электромобиллар ишлаб чиқариш каби истиқболли йўналишларда ҳамкорликни ривожлантиришга тайёرمىз. Келаётган йилда биз дипломатик муносабатлар

ўрнатилганининг 30 йиллигини нишонлаймиз. Умид қиламанки, янги йилда биз биргаликда фаровонликнинг янги саҳифасини очамиз.

Президент Шавкат Мирзиёев тақлиф учун миннатдорлик билдириб, очкилик ва ўзаро ишонч икки мамлакат ўртасидаги муносабатлар ривожини учун мустаҳкам пойдевор бўлиб келаётганини таъкидлади.

— Учрашиб турганимиздан жуда мамнунман. Давлат ташрифи билан Ўзбекистонга келишга тақлиф қилганингиз ва ҳар доимгидек илиқ меҳмондўстлик учун миннатдорман. Ҳозир об-ҳаво совуқ, лекин кореялик биродарларимизнинг қалби қайноқ. Биз мамлакатингиз ва

корейс халқига алоҳида бир самимият билан қараймиз. Менталитетимиз, анъана ва маънавий қадриятларимиз ўхшаш. Сизнинг “Янги сиёсат”ингиз юқори технологиялар, рақамлаштириш, инновация ва “яшил” тараққиёт соҳаларида юртингиз етакчилигини мустаҳкамлаш, истеъдодли корейс халқининг улкан интеллектуал салоҳиятини рўйбга чиқаришга хизмат қилди, — деди Ўзбекистон Президенти.

Мана 15 йилдирки, мамлакатларимиз стратегик шерикдир. Шавкат Мирзиёев ва Мун Чжэ Иннинг дўстлиги ва сиёсий иродаси эса Ўзбекистон — Корея ҳамкорлигига янги суръат бағишлашга кучли рағбат бўлди.

Давлат раҳбарлари тўртинчи бор учрашмоқда. 2017 йил ноябрь ойида Шавкат Мирзиёев Корея Республикасида давлат ташрифи билан бўлди. 2019 йил апрель ойида Президент Мун Чжэ Иннинг Ўзбекистонга жавоб ташрифи бўлиб ўтди, унинг доирасида Алоҳида стратегик шериклик тўғрисида қўшма декларация қабул қилинди. 2021 йил январь ойидаги онлайн саммитда эса етакчилар ўзаро алоқаларни янада фаоллаштириш бўйича қатор янги ва долзарб ташаббусларни илгари сурдилар.

▶ Давоми 2-бетда

Хорижлик экспертлар:

Ўзбекистон Президентининг Жанубий Кореяга давлат ташрифи стратегик шерикликни кенгайтириш ва турли соҳалардаги ҳамкорликни янада юқори босқичга кўтаришга хизмат қилади

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Корея Республикасида давлат ташрифи доирасида 17 декабрь кuni бўлиб ўтган олий даражадаги музокара халқаро эксперт-таҳлил ҳамжамияти вакиллари диққат марказида турибди.

Манабу Симизу, Ривожланаётган иқтисодиётлар институти (Япония) фахрий профессори:

— Президент Шавкат Мирзиёевнинг Жанубий Кореяга давлат ташрифи ва Президент Мун Чжэ Ин билан музокаралари стратегик шерикликни кенгайтириш, турли соҳалардаги ўзаро ҳамкорликни янада юқори босқичга кўтаришга хизмат қилади.

Ўзбекистон 2017 йилда эълон қилинган “Янги шимолӣ сиёсат” доирасида Жанубий Кореянинг асосий ҳамкорларидан бири ҳисобланади. Икки мамлакат ўртасида иқтисодий соҳадаги муносабатлар алоҳида тарихга эга. Бу, жумладан, давлатлараро ўзаро ағлашуви чуқурлаштиришда муҳим роль ўйнаган кўп сонли корейс диаспорасининг Ўзбекистонда истиқомат қилиши билан ҳам боғлиқ.

▶ Давоми 2-бетда

РЕСПУБЛИКА ТАРМОҚЛАРАРО САНОАТ ЯРМАРКАСИ

Одатда ярмарка деганда, белгиланган жойда муайян муддатларда мунтазам ташкил этиладиган йирик бозор ва сотувга қўйилган товарлар кўргазмаси тушунилади. Улар харидорларни маҳсулотлар билан воситачисиз, бевосита таништирилади ва тақдим этилган намуналар бўйича улгуржи ҳамда чакана савдолар уюштирилади.

Мутасадди ва мутахассислар мамлакатимизда бу йил ташкил этилган тармоқлараро саноат ярмаркалари ҳақида гап борганда, янги форматда ўтди, деган иборани кўп қўллашмоқда. Бу шу пайтга қадар анъанавий шаклда ўтказиб келинган мазкур йўналишдаги тадбирлардан ўзига хос жиҳатлари билан ажралиб турган

ЭРКИН САВДО МАЙДОНИ ВА ОЧИҚ РАҚАМЛИ ЭКОТИЗИМ



нини кўрсатади. Аслида бу жиҳатлар Президентимизнинг бевосита топишриқларида, Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил 21 майда қабул қилинган “2021 йилда ҳудудий ва республика тармоқлараро саноат ярмаркаларини ташкил этиш ва ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорида белгилаб берилган эди. Унга кўра, ярмаркалар, энг аввало, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда йирик саноат корхоналарининг ихтисослашувига таянган ҳолда, ҳудудий соҳаларни қамраб олган бўлса, кейинги босқичда 2022 йил учун буюртмалар портфелини шакллантириш бўйича республика тармоқлараро ишлаб чиқарувчиларини бир майдонга жамлади.

▶ Давоми 4-бетда

МУНОСАБАТ

ТОМОРҚАЧИЛИК — ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИНИ АРЗОН ҚИЛИШНИНГ ТАЯНЧ НУҚТАЛАРИДАН БИРИ

Юртимизда аҳоли томорқаларидан самарали фойдаланишни ташкил қилиш, улардан йилга икки-уч мартагача ҳосил олиш учун катта имкониятлар бор. Бу орқали қанча одам ишли бўлади, оилаларга барака қиради. Томорқадан самарали фойдаланган одам боқиманда бўлмайди, бой бўлади.



Бугун мамлакатимиздаги 5,5 миллиондан ортиқ томорқа ер эгаси ихтиёрида 503 минг гектар ер бор. Бу жуда катта салоҳият ва имкониятдир. Статистик маълумотларга кўра, диёримизда етиштирилаётган картошканинг 84 фоизи, сабзавотларнинг 71 фоизи, полиз, узум ва меваларнинг деярли 60 фоизи, чорвачилик маҳсулотларининг 94 фоиздан ортиғи аҳоли хонадонлари ҳиссасига тўғри келмоқда.

Томорқа хўжалиги маҳсулот етишти-

ришда ўғит, сув, техника, маблағ ва бошқа зарур таъминотларда фермер хўжалиқларига нисбатан устунликларга эга бўлмаса-да, ҳосилдорликда юқори кўрсаткичлар қайд этади. Масалан, сабзавотларнинг ўртача ҳосилдорлиги аҳоли томорқаларида гектарига 27,6 тоннадан тўғри келган бир пайтда бу кўрсаткич фермер хўжалиқларида гектарига 21 тоннани ташкил қилмоқда.

▶ Давоми 4-бетда

АЛОҲИДА СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИК МУНОСАБАТЛАРИНИ ЯНАДА ЮҚОРИ ДАРАЖАГА ОЛИБ ЧИҚИШ УЧУН МУСТАҲКАМ ПОЙДЕВОР ЯРАТИЛДИ

Бошланиши 1-бетда

Кореяга бу галги ташриф фаол мулоқотнинг мантикий давоми бўлди.

Ўзбекистон етакчиси узоқ муддатли истиқболга мўлжалланган амалий шериклигининг устувор йўналишларини қайта кўриб чиқишни даврнинг ўзи тақозо қилаётганини алоҳида таъкидлади. Икки мамлакат ҳамкорлиги глобал иқтисодийнинг бугунги таҳдидларига тўлиқ жавоб бериши керак.

Корея Республикаси Ўзбекистоннинг асосий савдо-иқтисодий ҳамкорларидан. Кейинги йилларда товар айирбошлаш ва қўшма корхоналар сони қарийб икки баробар ортди. Пандемия оқибатларига қарамай, кўп қиррали муносабатлар изчил ривожланиб бормоқда.

Ўзбекистон ва Корея Эркин савдо тўғрисидаги битимни тузиш масаласида анча илгарилари. Учрашувда ушбу ҳужжатнинг келгуси йилда имзолаши тўғрисидаги қарар қабул қилинди. Бу маблаглар ҳисобига кимё, нефть-кимё, тўқимачилик, қурилиш, қишлоқ хўжалигида қўшма лойиҳалар амалга ошириш ва мувозанатта келтириш имконияти пайдо бўлишига ишонч билдирилди.

Кореянинг Ўзбекистонга инвестициялари ҳажми 7 миллиард доллардан ошган. Жорий йилда 320 миллион доллар, яъни 2020 йилга нисбатан 20 фоиз кўп ўзлаштирилди. Бу маблаглар ҳисобига кимё, нефть-кимё, тўқимачилик, қурилиш, қишлоқ хўжалигида қўшма лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Корея Эксимбанки ҳамда Иқтисодий тараққиёт ва ҳамкорлик фонди (EDCF) билан кўп йиллик самарали ҳамкорлик алоҳида диққатга сазовор. Масалан, ушбу жамғарма доирасидаги молиялаштириш ҳажми 1 миллиард долларга етказилди. 2023 йилга қадар Ўзбекистонда янги лойиҳаларни амалга оширишга салмоқли маблағ йўналтирилмоқда.

Кореянинг халқаро ҳамкорлик агентлиги (KOICA) билан сермахсул шериклик ҳам кенгаймоқда.

Ўзбекистон Президенти яқин даврга мўлжалланган ҳамкорликда учта асосий йўналиш: “яшил” тараққиёт, рақамлаштириш ва ижтимоий ҳимоя тизимини мустаҳкамлаш масалалари кун тартибига турганини таъкидлади. Истиқболдаги барча қўшма лойиҳалар, дастур ва ҳаракатлар режаларини шу асосий устуворликлардан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқиш тақдир этилди.

Президент Шавкат Мирзиёев Ўзбекистоннинг инсон капитали ва табиий ресурслари Корея Республикасининг истиқболли технологиялари ва билимлари билан бирлашса, жаҳон бозорида талаб юқори бўлган маҳсулот ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун яхши замин яратиш мумкинлигини алоҳида таъкидлади. Шу муносабат билан давлатимиз раҳбари Иқтисодий тараққиётга қўмаклашиш фондини (EDPF) жалб қилган ҳолда Тошкент вилоятида яримўтказгич ва электроника ишлаб чиқариш бўйича Ўзбекистон — Корея кластерини ташкил этиш тақдирини билдирди. Унинг ҳудудида фан-таълим муассасалари, илғор технологиялар соҳасидаги тадқиқот ва ишланмалар марказларини жойлаштириш мумкин бўлади.

Томонлар қайд этганидек, мамлакатимизда биргаликда ташкил этилган Тўқимачилик технопарки ва Қишлоқ хўжалиги машинасозлиги маркази фаолиятини ҳар томонлама рағбатлантириш ва ривожлантириш давом этирилди.

Ўзбекистон Кореянинг рақамли иқтисодиёт, сунъий интеллект, “ақлли шаҳарлар”, аутсорсинг, алоқанинг янги авлоди ва интернет-технологиялар борасидаги ютуқларидан ўз амалиётида фойдаланишдан манфаатдор.

Мамлакатларимиз соғлиқни сақлаш, мактабгача ва олий таълим соҳаларида жиддий ҳамкорлик қилмоқда. Тиббиётда амалга оширилган илк йирик қўшма лойиҳа натижасида ўтган йилдан буён Тошкент шаҳрида Болалар кўп тармокли клиникаси фаолият юритмоқда.

Корея таълим модели дунёдаги энг намунали тажрибалардан биридир. Айнан шу боис юртимиз мактабгача таълим тизими Кореядаги ҳамкорларнинг илғор тажрибаси ва билимлари асосида тўлиқ ислоҳ қилинди.

Ўзбекистон Президентини университетлар ўртасидаги инновацион ҳамкорлиқни ривожлантириш муҳим эканини таъкидлаб, уларнинг мунтазам мулоқоти учун доимий майдон яратиш, келгуси йилда икки мамлакат олий таълим муассасалари ректорлари форумини ўтказишни тақдир қилди.

Музокаралар чоғида пандемиядан кейинги даврга туризм соҳаси иқтисодий ўсиш локомитивларидан бўлиши мумкинлиги таъкидланди. Ўзбекистон Корея компанияларининг меҳмонхоналар ва инфратузилма объектлари қурилиши

билан боғлиқ лойиҳалардаги иштирокини қўллаб-қувватлашга тайёр.

Келгуси йилда мамлакатларимиз дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 30 йиллиги ва корея диаспораси Ўзбекистонда истиқомат қилишининг 85 йиллигини нишонлайдилар.

Давлатимиз раҳбари 2022 йилни “Ўзбекистон ва Корея Республикаси ўртасидаги ўзаро алмашинувлар йили” деб эълон қилишни, Тошкентда Кореялар тарихи музейи ҳамда Корея маданияти ва санъат уйи қошида кутубхона ташкил этишни тақдир этди.

Шунингдек, глобал ва минтақавий аҳамиятга молик масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Ўзбекистон ва Кореянинг қўллаб масалалар юзасидан қарашлари ўхшашдир. Мамлакатларимиз халқаро майдонда бир-бирига қўмаклашмоқда. Корея Республикаси Ўзбекистоннинг БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашига сайланишини, шунингдек, 2023 йилда Жаҳон туризм ташкилоти Бош ассамблеяси 25-сессиясини ўтказиш жойи сифатида Самарқанд номзодини маъқуллади. Ўзбекистон, ўз навбатида, Кореянинг 2024-2025 йилларда БМТ Хавфсизлик кенгаши муваққат аъзоси бўлиш ниятини қўллаб-қувватлайди.

Президент Шавкат Мирзиёев “Корея Республикаси — Марказий Осиё” форумининг минтақавий барқарор тараққиётига қўмаклашишдаги ўрни кучайиб бораётганини юқори баҳолади.

Ўзбекистон етакчиси ўзаро манфаатли ҳамкорлиқнинг истиқболли лойиҳа ва дастурларини илгари суриш мақсадида парламентлар ва ҳукуматлар даражасидаги мулоқотнинг янги самарали механизмларини жорий қилишни тақдир этди.

Ўзбекистон Президентининг давлат ташрифи, унинг доирасида қабул қилинган қарорлар ва эришилган келишувларнинг аҳамиятига кўра, алоҳида стратегик шериклик муносабатларини янада юқори даражага олиб чиқиш учун мустаҳкам пойдевор яратувчи тарихий воқеа бўлди.

Давлат раҳбарларининг самарали музокараларидан сўнг икки томонлама ҳужжатларни имзолаш маросими бўлди.

Президент Шавкат Мирзиёев ва Президент Мун Чжэ Ин Ўзбекистон Республикаси билан Корея Республикаси ўртасидаги алоҳида стра-

тегик шериклик муносабатларини чуқурлаштириш тўғрисидаги қўшма баёнотни қабул қилдилар.

Бу ҳужжатда ўзаро манфаатли ҳамкорликни ҳар томонлама ривожлантириш, дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 30 йиллигини кенг нишонлаш, икки халқ ўртасидаги дўстлик муносабатларини мустаҳкамлаш мақсадлари ўрин олган. Рақамлаштириш, “яшил” иқтисодиёт ва кучли ижтимоий сиёсат соҳалари алоҳида стратегик шериклиқнинг уч муҳим йўналиши сифатида белгиланган.

Икки мамлакат раҳбарлари ҳузурида Соғлиқни сақлаш соҳасида ҳукуматлараро битим, Корея халқаро ҳамкорлик агентлиги билан 2022-2024 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастури, Таъки ишлар вазирликлари ўртасида 2022-2024 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастури, шунингдек, энергетика соҳасида ўзаро мулоқот ўрнатиш, “ақлли шаҳар”ларни ривожлантириш, Иқтисодий тараққиётга қўмаклашиш жамғармаси орқали молиялаштириш, нодир металллар, мис ва уларнинг қотишмаларига оид меморандумлар имзоланди.

Шунингдек, ташриф доирасида ахборот технологиялари, “ақлли” қишлоқ хўжалиги соҳаларига оид меморандумлар ҳамда Иқтисодий тараққиёт жамғармаси билан ҳамкорликда тиббий ускуналар етказиб бериш тўғрисида битим имзоланди.

Шундан сўнг Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Сеул шаҳрида Корея Республикаси Миллий Ассамблеяси Спикери Пак Бён Сок билан учрашув ўтказди.

Суҳбатда Ўзбекистон Республикаси ва Корея Республикаси ўртасидаги алоҳида стратегик шериклик муносабатлари ҳар томонлама ривожланиб бораётгани, Президентимизнинг ушбу давлат ташрифи уларга янги кучли суръат бағишлагани мамнуният билан таъкидланди. Турли даражаларда, шу жумладан, парламентлараро ҳамкорлик йўналишида самарали сиёсий мулоқот ва алоқалар фаол давом этирилмоқда.

Ўзбекистон — Корея муносабатларини мустаҳкамлашда парламентлараро “дўстлик гуруҳлари” муҳим ўрин тутди. Жорий йил июнь ойида уларнинг онлайн учрашуви бўлиб ўтди. Давлат бошқарувиини ислоҳ қилиш, фуқаролик

жамияти, гендер масалалари, таълим ва ҳудудларни ривожлантиришга доир қонун ижодкорлиги борасида тажриба алмашилмоқда.

Учрашувда икки томонлама ҳамкорликни янада фаоллаштириш юзасидан батафсил фикр алмашилди.

Миллий Ассамблея Спикери Корея тажриба алмашишни кенгайтиришга, жумладан, Ўзбекистонда электрон парламент механизмларини жорий қилишга қўмаклашишга тайёр эканини билдирди.

Корея парламенти вакиллари келгуси йилда Тошкент шаҳрида ўтказиладиган Жаҳон мамлакатлари парламентларининг аёл спикерлари саммитида иштирок этишини таъкидлади.

Шунингдек, қўшма дастур ва лойиҳаларни илгари суришнинг янги институционал механизмларини жорий қилиш ташаббуси қўллаб-қувватланди.

Томонлар “Корея Республикаси — Марказий Осиё” ҳамкорлик форуми доирасидаги яқин мулоқотни давом эттиришдан манфаатдор эканликларини таъкидладилар.

Олий даражада эришилган келишувлар ижроси устидан самарали парламент назоратини таъминлаш муҳим экани қайд этилди. Икки мамлакат парламентлари вакиллари бу борада бор қуч ва имкониятларини ишга солишларини таъкидладилар.

Президент Шавкат Мирзиёев Сеулдаги миллий қабристонга ташриф буюриб, марҳумлар хотирасига эҳтиром кўрсатди.

Бу ерда Корея мустақиллиги учун курашган ҳамда урушларда ҳалок бўлган инсонлар, мамлакат ривожига катта ҳисса қўшган давлат ва жамоат арбоблари дафн этилган. Шу боис у табарруқ қадамжоси сифатида эъзозланган. Хорижий давлатлар раҳбарларининг бу ерга келиши корея халқиға ҳурмат ифодаси ҳисобланади.

Шавкат Мирзиёев рафқасида ҳамроҳлигида мазкур қабристондаги ёдгорлик пойига гулчамбар қўйди ва эсдалик битиги қолдирди. Бу битик мажмуа музейидан жой олади.

Давлатимиз раҳбари Фахрий меҳмонлар китобига дастхат ёзди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Корея Республикасига давлат ташрифи давом этмоқда.

ЎЗА



“ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН” УЧУН МАХСУС



Хорижлик экспертлар:

Ўзбекистон Президентининг Жанубий Кореяга давлат ташрифи стратегик шерикликни кенгайтириш ва турли соҳалардаги ҳамкорликни янада юқори босқичга кўтаришга хизмат қилади

Бошланиши 1-бетда

Ўзбекистоннинг Жанубий Кореянинг “Daewoo” компанияси томонидан автомо-бильсозлик саноатини ривожлантириш ва Ан-дигон шаҳрида завод барпо этишга сармоя киритгани ишлаб чиқариш салохиятининг кенгайишига хизмат қилди.

Айни пайтда икки давлат ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлик саноатни рақамлаштириш, инновациялар ва экологик тоза технологиялар каби илғор йўналишларда амалий алоқалар даражасига кўтарилган.

Сеул Тошкентнинг Жаҳон савдо ташкилотига қиришнинг қўллаб-қувватламоқда, бу икки давлат ўртасида иқтисодий ва саноат сиёсати соҳасида тажриба алмашиш нуктаи назаридан ҳамкорлик қилиш учун катта имкониятлар эшигини очди.

Музокаралар кун тартибидеги яна бир муҳим масала — икки давлатнинг дипломатия соҳасидаги ўзаро ҳамкорлигидир. Президент Мун Чжэ Ин ядрозизланишга эришиш йўлида саяҳат-харажатлар қилмоқда. Корея ярим оролидаги вазият халқаро ҳамжамият тинчлиги ва барқарорлиги учун муҳим роль ўйнагани сабабли Ўзбекистон Жанубий Кореянинг бу йўналишдаги саяҳат-харажатларини қўллаб-қувватлаши алоҳида аҳамиятга эга.

Илгар Велизаде, эксперт, “Жанубий Кавказ” сиёсатшунос-лар клуби раҳбари (Озарбайжон):

— Ўзбекистон Президентининг Жанубий Кореяга ташрифи икки мамлакат ўртасида муваффақиятли амалга оширилаётган стратегик шериклик йўналиши изчил давом этаётганини таъкидлайди. Ўзбекистон ва Жанубий Корея ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми сўнгги тўрт йилда, ҳатто пандемия давридаги қисқаришни ҳисобга олган вазиятда ҳам, икки баробарга ошганини



таъкидлаш кифоя. Агар 2016 йилда бу кўрсаткич 1,07 миллиард долларни ташкил этган бўлса, 2020 йилда эса 2,15 миллиард долларга тенг бўлди.

Жанубий Кореянинг Ўзбекистон иқтисодиётига киритган сармоялари ҳажми 7 миллиард доллардан зиёдни ташкил этмоқда. Бироқ томонлар бунини ўз имкониятлари чегараси деб ҳисобламайди. Айни пайтда мамлакатлар ўртасида эркин савдо шартномасини имзолашга фаол тайёргарлик қўрилмоқда. Мазкур келишув икки давлатнинг келгуси йиллардаги инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда янги имкониятлар эшигини очди.

Пармжит Сингх, Осиё-Тинч океани технологиялар ва инновациялар университети раиси (Малайзия):

— Ўзбекистон ва Корея Президентлари ўртасидаги дўстлик муносабатлари ўзаро манфаатдорлик ва алоҳида стратегик шерикликка асосланган юқори даражадаги давлатлараро мулоқотни таъминламоқда.

Шуниси эътиборга молики, Президент Мун Чжэ Ин 2021 йилда халқаро майдондаги биринчи мулоқотини Президент Шавкат Мирзиёев билан олиб борган эди, жорий йил якунидаги расмий учрашувларнинг бири ҳам Ўзбекистон раҳбари билан бўлиб ўтди. Бу эса, Ўзбекистон — Жанубий Корея муносабатлари нақадар юксак даражада эканини яна бир бор намоён этди.

Жанубий Корея — юқори даражада ривожланган мамлакат. Шу боис, Ўзбекистон Президентининг мамлакат инсон капитали ва табиий бойликларини Корея Республикасининг илғор технологиялари ва билимлари билан бирлаштириш орқали жаҳон бозорида хариддор-гир маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун яхши замин яратиш мумкин, деган фикрга қўшилишган. Ўзбекистонда яримўтказгичлар ва электроника ишлаб чиқариш бўйича қўшма кластерни яратиш тақдирини ўз вақтида илгари сурилди ва жуда долзарбдир.

Бундан ташқари, мамлакатлар таълим соҳасидаги алоқаларни кенгайтириш бўйича улкан истиқболга эга. Ўзбекистон Жанубий корейлик ҳамкорларнинг энг яхши амалиёти ва билим-

лари асосида мактабгача таълим тизимини тубдан ислоҳ қилаётганидан хабардоримиз. Бу соҳадаги ҳамкорлик мактаб ва олий таълим тармокларида ҳам давом этади.

Олий даражадаги ташриф яқунлари Ўзбекистон ва Жанубий Корея ўртасидаги ҳамкорликка янги суръат бериш учун мустаҳкам замин яратишига ишончим комил.

Фернандо Морагон, Евроосиёни урганиш маркази раҳбари, Ўзбекистон — Испания муносабатларини ривожлантириш ассоциацияси раҳбари:

— Икки давлат раҳбарларининг ташриф доирасидаги учрашув ва музокаралари мамлакатлараро кўп қиррали ва стратегик муносабатларини янада ривожлантириш, шунингдек, истиқболли устувор йўналишларини белгилаш ва жадал ривожлантираётган шериклиқни амалий мазмун билан янада бойитиш жараёни учун муҳим босқич бўлди.

Ўзбекистон Жанубий Кореянинг Марказий Осиёдаги етакчи таъки савдо ҳамкорларидан биридир. Шу билан бирга, Жанубий Корея Хитой, Россия ва Туркия қаторида Ўзбекистоннинг тўртта асосий ташқи савдо ҳамкорларидан бири ҳисобланади.

Ташриф давомида эришилган келишувлар ва имзоланган ҳужжатлар Ўзбекистон Республикаси билан Корея Республикаси ўртасидаги стратегик шериклик муносабатларини янада изчил ривожлантириш, икки мамлакат ва халқлар фаровонлигини янада юксалтиришга хизмат қилиши шубҳасиз.

Ўзбекистон ва Жанубий Кореяни аънавий дўстлик, ўзаро манфаатли ҳамкорлик ва стратегик шериклик муносабатлари мустаҳкам боғлаб туради. Жанубий Корея Ўзбекистонда саноат ва инфратузилма диверсификация ва модернизация қилиш бўйича устувор дастурларни амалга оширишда етакчи сармоявий ва технологик ҳамкор ҳисобланади. Ўзбекистон иқтисодиётининг турли тармокларидан Жанубий Кореянинг етакчи банк ва компаниялари иштирокида ўнлаб йирик лойиҳалар амалга оширилган ва амалга оширилмоқда.

“Дунё” АА

ЖАРАЁН

Бундан бир неча йиллар аввал “ягона дарча” тамойили йўлга қўйилган бўлса-да, ундан тадбиркорлик субъектларигина фойдаланар эди. Фуқаролар учун эса турли давлат идораларида ҳужжатларни расмийлаштириш билан боғлиқ мураккаб тартиб-таомиллар сақланиб қолганди. Аксарият ташкилотларда ахборот ресурслари ва маълумотлар базалари йўқлиги, уларнинг идоралараро интеграция қилиниши сустлиги нафақат жисмоний, балки юридик шахслар учун ҳам барча давлат хизматлари мажмуасидан қулай фойдаланишга имкон бермасди.

ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИ КЎРСАТИШ: ОСОН, ҚУЛАЙ ВА ТЕЗ

Президентимиз ташаббуси билан бундан тўрт йил олдин давлат хизматларини кўрсатиш миллий тизимини тубдан ислоҳ этиш сари дадил қадам қўйилди. Адлия вазирлиги ҳузурида Давлат хизматлари агентлиги ташкил этилди. Бюрократия ва коррупциянинг олдини олиш, халқимизнинг давлат органларига бўлган ишончини мустаҳкамлаш мазкур янги тузилманинг асосий вазифаси этиб белгиланди.

Эътироф этиш керак, Президентимизнинг “Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак”, деган улуғвор ғоясини шиор қилган ҳолда, ташкил этилган мазкур агентлик томонидан ўтган йиллар мобайнида қўллаб-қувватлаш амалга оширилди.

Бугун ташриф буюрувчилар учун Давлат хизматлари марказларининг қулай ва қўрқам 160 га яқин инновацион биноси барпо этилди. 40 га яқин бинода қурилиш ишлари олиб боришмоқда. Шунингдек, қундалик ҳаётда зарур бўлган 60 дан ортиқ турдаги хизматлардан ортиқча овозарғичликларсиз ва, энг муҳими, яшаш жойидан қатъи назар, ҳар бир фуқарога эркин фойдаланиш имконияти яратилди.

Давлат хизматларидан фойдаланиш янада қулай бўлиши учун агентлик мутахассислари томонидан электрон рақамли имзони онлайн олиш имконияти яратилди.

Фарзанд туғилганлигини расмийлаштириш учун ФХДЭ органларида композит (бирлаштирилган) хизматлар кўрсатиш йўлга қўйилгани ҳам навбатдаги қулайликдир. Яъни туғилишни қайд этиш, болани поликлиникага рўйхатга қўйиш, манзили бўйича ҳисобга олиш, бир марталик нафақа пулини тайинлаш ҳамда мактабгача таълим ташкилотларига навбатга қўйиш хизматлари бир вақтнинг ўзида амалга ошириляпти.

Композит давлат хизматлари кўрсатилиши йўлга қўйилиши билан 15 дан ортиқ ҳужжат қисқариб, 4 та идорага боришга чек қўйилди.

Агентлик ташкил этилганининг 4 йиллиги муносабати билан республика бўйича “Давлат хизматлари қарвони” акцияси уюштирилди. Республика бўйлаб ҳаракатланган “Давлат хизматлари қарвони” Қорақалпоғистон Республикасида ўз ниятига эришди.

Ушбу акция доирасида Хўжайли туманида замонавий Давлат хизматлари маркази биноси фойдаланишига топирилди. Мазкур марказ Европа Иттифоқи ва БМТ Тараққиёт дастурининг “Ўзбекистоннинг қишлоқ жойларда давлат хизматлари кўрсатиши тақомиллаштириш ва бошқарув даражасини ошириш” қўшма лойиҳаси асосида энг илғор коммуникация воситалари билан жиҳозланди.

— Бино қурилишида унинг замонавий шаҳар-созлик меъёrlарига мувофиқлиги, фуқаролар, айниқса, жисмоний имконияти чекланган инсонлар учун энг қулай шaroитлар яратилишига алоҳида эътибор қаратилди, — дейди Хўжайли тумани Давлат хизматлари маркази директори Жамол Собиров. — Жумладан, бу ерда электрон навбат тизими, маълумот киоски, ўз-ўзига электрон хизматлар кўрсатиш бурчаги, болалар майдончаси ва миникутубхона мавжуд. Шунингдек, марказимизда яшаш ва рўйхатга қўйилган маңилидан қатъи назар, қўллаб-қувватлаш хизматларидан фойдаланиш мумкин. Муҳими, қунига 200 нафаргача аҳолига хизмат кўрсатиш имкониятига эгаимиз.

Марказ аҳолининг барча қатламларига, жумладан, ёш болали аёллар, турли гуруҳдаги ногиронлар, ёшлар ва кексаларга хизмат кўрсатишга мўлжалланган.

Таъкидлаш керакики, Давлат хизматлари агентлиги томонидан тадбиркорлик субъектларига хизмат кўрсатиш жараёни ҳам янада оsonлаштирилди. Хусусан, эндиликда янги корхонани рўйхатдан ўтказиш билан бир вақтнинг ўзида 30 та тижорат банкида ҳисоб рақам очиш имконияти яратилди. Бундан ташқари, рўйхатдан ўтказилган корхона ҳодимларини жамғариб бориладиган пенсия тизимида ҳисобга қўйиш, шунингдек, электрон рақамли имзо олиш ҳам йўлга қўйилди.

Хулоса қилиб айтганда, барча жойларда Давлат хизматлари марказларининг ташкил этилиши аҳолига бир жойнинг ўзида яхлит хизмат кўрсатиш ва пировардида ортиқча сарсонгарчиликларнинг олдини олишда айна мудоао бўлди.

Мнажатдин ҚУТЛИМУРАТОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири



РЕСПУБЛИКА ТАРМОҚЛАРАРО САНОАТ ЯРМАРКАСИ

ЭРКИН САВДО МАЙДОНИ
ВА ОЧИК РАҚАМЛИ ЭКОТИЗИМ**Абдурауф ҚОРЖОВОВ,
иқтисодий шарҳловчи**

Бошланиши 1-бетда

Бундай қарорга келишга икки вилоятда ўтказилган ярмаркалар тажриба-синов вазифасини ўтади, десак янглисмаган бўламиз. Чунки 2021 йил 22-24 апрель кунлари Навоий шаҳрида кон металлургияси, кимё саноати, қурилиш материаллари ва электр энергетикаси соҳаларидаги йирик тармоқ ташкилотлари, республиканинг барча ҳудудларидан ушбу корхоналар учун маҳсулот ишлаб чиқаришга ихтисослашган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари иштирокида тармоқлараро саноат ярмаркаси ўтказилди. Унда қиймати 375,8 миллиард сўмлик жами 996 та кооперация шартномаси ва техник жиҳатдан ҳамкорлик бўйича 268 та меморандум имзоланди.

Орадан бир ҳафта ўтиб, Хоразм вилоятида ташкил этилган ҳудудлар ва тармоқлараро саноат кооперациясини ривожлантиришга йўналтирилган кўргазмада эса 70,3 миллиард сўмлик 289 та шартнома ҳамда 20 турдаги маҳсулотни ишлаб чиқаришни ўзлаштиришга қаратилган 42 та келишувга эришилди.

Шу боис, қарорда тармоқлараро ярмаркаларни ҳар бир ҳудуднинг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ҳамда ихтисослашувини инobatта олган ҳолда, ташкил қилишга алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан, Қорақалпоғистонда ўтказилган кўргазмада табиий ва минерал ресурсларни чуқур қайта ишлаш, нефть кимёси саноати, Андижонда автомобилсозлик ва тўқимачилик, фармацевтика, электротехника соҳалари, Бухорода қурилиш материаллари, нефть ва газ, сайёҳлик учун маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳамда қорақўлчилик тармоқлари, Сурхондарёда қишлоқ ҳўжалиги, мева-сабзавот маҳсулотлари, доривор ўсимликлари қайта ишлаш, транспорт ва логистика йўналишлари, Самарқандда эса туризм, гастрoномик сайёҳлик, озиқ-овқат, мебелсозлик ва электротехника саноатлари ишлаб чиқарувчиларининг иштирок этиши устуворлик касб этди.

Бу ва бошқа ҳудудларда ўтказилган ярмаркаларнинг бош мақсади кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари билан юртимиздаги йирик ишлаб чиқариш корхоналари ўртасида


тармоқлараро саноат кооперацияси алоқаларини янада кенгайтиришга қаратилди. Бу жараёнда тадбиркорлар йирик саноат қувватлари билан импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича шартномалар имзолабгина қолмай, меморандумларда янги маҳсулотларни ўзлаштириш бўйича "йўл хариталари" белгилаб олишди. Унда техник ҳўжатлар ва чизмаларни биргаликда тайёрлаш, маҳсулот намуналарини ишлаб чиқариш, синовдан ўтказишдан тортиб, уларни сотиб олиш муддатларигача ўз ифодасини топди.

Яна бир жиҳати — ярмарка қайси йўналишда ва ҳудудда ўтган бўлмасин, унда мамлакатимизнинг ҳар қандай бурчагидаги ишлаб чиқарувчилар ҳамда тадбиркорлар иштирок этиши учун кенг шарт-шарoитлар яратилди. Масалан, Тошкент вилоятида ўтказилган тармоқлараро саноат ярмаркасида Наманган вилоятидаги "Inter texno prom" масъулияти чекланган жамияти Олмалиқ кон-металлургия комбинатида янги маҳсулотларини синов учун тақдим этди.

— Бугунги кунда комбинатга 30 турдаги маҳсулот етказиб берамиз, — дейди МЧЖ раҳбари Шуҳрат Исмоилов. — Келажакда улар сонини янада кўпайтириш ниятидамиз. Биз маҳаллийлаштириш дастурига киритилган маҳсулотлардан намуналар олган эдик. Уларнинг баъзиларини ишлаб чиқардик ва синов учун тақдим қилдик. Умид қиламизки, улар синовдан муваффақиятли ўтади. Маҳаллийлаштириш дастури доирасида маҳсулотлар ишлаб чиқариб, ўзимиз фаолият юритаётган Уйчи туманининг саноат соҳасидаги салoхиятини оширишга, аҳоли бандлигини таъминлашга муносиб ҳиссамизни қўшамиз.

Ҳудудларда ўтказилган ярмаркалар бу йўлнинг тўғри ва самарадор эканини амалда кўрсатди. Улар доирасида электрон кооперация портали орқали саноат маҳсулотлари савдоси бўйича қиймати қарийб 4 триллион сўмлик 2,6 мингта шартнома имзолангани, импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришга қаратилган 973 та лoйиҳани амалга ошириш бўйича келишувларга эришилгани эса иқтисодийётимизнинг нечоғлиқ кенг қамров билан ривожланиб бораётганини яна бир қарра намоён этди.

Тошкентда шу ҳафтада ҳудудий кўргазмаларнинг узвий давомии сифатида Республика тармоқлараро саноат ярмаркаси ташкил этилди.



МУНОСАБАТ

ТОМОРҚАЧИЛИК — ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИНИ АРЗОН ҚИЛИШНИНГ ТАЯНЧ НУҚТАЛАРИДАН БИРИ

**Ақтам ҲАЙТОВ,
Ўзбекистон фермер,
деҳқон ҳўжаликлари ва
томорқа ер эгалари
кенгаши раиси**

Бошланиши 1-бетда

Кейинги беш йилда мамлакатимизда деҳқон ҳўжаликлари ва томорқа ер эгаларига ажратилган майдонлардан самарали фойдаланиш, уларнинг ҳўқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳўқим қилиш, қишлоқ аҳолисининг бандлиги ва турмуш даражасини ошириш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилди. Президентимизнинг шу йил 16 декабрь куни имзолаган "Томорқадан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, шунингдек, аҳолининг тадбиркорлик ташаббусларини молиявий қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори бу борадаги ишларни янги боқичга кўтаргани билан аҳамиятлидир.

Қарорга мувофиқ, томорқада маҳсулот етиштиришни қўллаб-қувватлаш мақсадида Фермер, деҳқон ҳўжаликлари ва томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш жамғармасига Тикланиш ва тараққийёт жамғармаси маблағлари ҳисобидан 100 миллион АҚШ доллари эквиваленти миқдоридидаги қарз маблағлари

миллий валютада 4 йиллик имтиёзли давр билан 9 йил муддатга йиллик 2 фоиз ставкада йўналтирилади.

Мақкур ҳўжжат ижросини таъминлаш зиммасига алоҳида масъулият юклайди. Вазифалар ҳам мақсадларга ҳамоҳанг белгиланган.

Биринчидан, аҳоли хонадонларида хизмат кўрсатиш самарадорлигини оширишга томорқа хизмати корхоналарини ривожлантириш орқали эришилди. "Томорқа хизмати" МЧЖларга уруғлик ва қўчат, мотокультиватор ва минитрактор, инкубатор харид қилиш ҳамда айланма маблағ учун 300 миллион сўмгача кредит ажратилади.

Кейинги йилдаги устувор йўналишимиз аҳоли хонадонларида қўшимча хизмат кўрсатувчи 302 та "Томорқа хизмати" МЧЖни молиявий қўллаб-қувватлаш ҳамда 36 та томорқачилик кластерлари ташкил этиш бўлиб, қўчат етиштириш, маҳсулотни сақлаш, қайта ишлаш бўйича янги имкониятлар яратилади.

Ўтган 2-3 йилда 1 минг 900 та маҳаллада дала ва уруғ-қўчат дўконлари ташкил этилган бўлса, 2022 йилда улар сонини 2 мингга ошириш ва барча йирик маҳаллаларни қамраб олиш йўл-жалланган.

Аҳоли хонадонларида "Бир маҳалла — бир маҳсулот" тамойили асосида маҳсулот етиштиришни кўпайтириш чоралари қўрилади. Қарорга асосан,



2022 йилда бу каби маҳаллаларни 4 мингтага етказмоқчимиз, бу эса сифатли, экспортбоп маҳсулотлар 15-20 фоиз қўпаяди, дегандир. Узумчиликка 445 та маҳалла, анорчиликка 210 та, мевачилик ва боғдорчиликка 417 та, интенсив сабзавотчиликка 852 та, картошқачиликка 210 та, полиз экинларида 398 та маҳалла ихтисослаштирилади.

Ҳозир маҳаллаларни ноанъанавий

экинларга ихтисослаштириш устида ишлаяпмиз. Жумладан, Шахрисабз туманининг "Мироқи" маҳалласи малиначиликка ихтисослаштирилди. Фарғона вилоятининг Фарғона тумани (Водил) дан деҳқонларимиз бориб, томорқачиларга малина экишни ўргатмоқда. Бу экинни хонадонда етиштириш Бўстонлиқ, Бахмал, Китоб, Бойсун каби туманларда ҳам йўлга қўйилади.

ярмаркаси янги форматда ўтди. Жорий этилган мақкур тизимнинг яна бир афзаллиги шундаки, кўргазма аввалдаёқ маҳсулотлар импорти чуқур таҳлил қилиниб, республикада маҳаллийлаштириш имкони мавжуд бўлган товарлар гуруҳлари шакллантирилди. Инвестиция лoйиҳаларини ишлаб чиқиш маркази томонидан аниқ ҳисоб-китобларга асосланган инвестиция лoйиҳалари тайёрланди ва улар тадбир давомида иштирокчиларга тақдим этилди.

— Натижада "Ўзэкспомарказ"даги ярмарка давомида ушбу истиқболли лoйиҳалар билан тўлиқ танишиш имконияти вужудга келди, — дейди Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳузуридаги Рақамли трансформация маркази директори Фаррух Ҳўжамқулов. — Кўргазма павильонларидан жами 3 минг 185 та маҳаллий ишлаб чиқарувчининг 5 минг 169 турдаги маҳсулоти жой олди. Унинг дастури алоҳида мавзуларга бағишланган тадбирларга тўла бўлди. Жумладан, ярмарканинг биринчи кўнида кончилик, металлургия, геология ва кимё саноатига бағишланган тақдимотлар ташкил этилди. Кейинги кунларда енгил саноат, энергетика, нефть-газ, инновацион лoйиҳалар ва уларни молиялаштириш, электротехника, машинасозлик, қурилиш материаллари, зарғарлик, транспорт, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, озиқ-овқат саноати йўналишларида тақдимот ва музокаралар ўтказилди. Ярмарка давомида умумий қиймати 1 триллион 637,5 миллиард сўмдан ортқ бўлган 1273 та шартнома имзоланди.



Бу сафарги Республика тармоқлараро саноат ярмаркасининг яна бир ўзига хос жиҳати шунда бўлдики, энди нафақат мавжуд ишлаб чиқариш қувватлари ўртасида кооперация алоқаларини ўрнатишга, балки импорт ўрнини босувчи янги лoйиҳаларни амалга оширишга ҳам асосий эътибор қаратилди. Шу билан бирга, бу жараёнга бугунги кунда импорт қилинаётган, бироқ республикада мавжуд бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқарувчилари ҳам кенг жалб қилинди.

Чирчиқдаги "Process & water chemical" Ўзбекистон — БАА — Франция қўшма корхонаси ана шулардан бири. Бу ерда қиймати 4,5 миллион АҚШ доллари тенг бўлган мураккаб ва замонавий технологик лoйиҳани амалга ошириш ишлари бундан уч йил олдин бошланиб, шу йил апрель ойдан маҳсулот ишлаб чиқаришга киришилди. Сувни тозаловчи 150 турдаги кимёвий восита тайёрлаш имкониятига эга бўлган мақкур завод бугунги кунда 80 хилдаги маҳсулотни харидорларга Электрон кооперация портали орқали тақдим этиб келмоқда.

— Ўшбу маҳсулотларнинг ҳаммаси яқин пайтга қадар импорт қилиб келинган, — дейди қўшма корхона раҳбари Жаҳонгир Рўзихонов. — Биз Нукус, Қарши, Чирчиқ шаҳарларида бўлиб ўтган ҳудудий саноат ярмаркаларида иштирок этиб, Навоий, Олмалиқ кон-металлургия комбинатлари, "Uzbekistan GTL" МЧЖ каби йирик корхоналарга ўз маҳсулотларимизни тақдим этдик. Масалан, "Uzbekistan GTL" МЧЖнинг ўзида бизда тайёрланаётган 50 турга яқин кимёвий реагентга эҳтиёж бор. Маҳсулотларимиз синовдан муваффақиятли ўтса, шунча турдаги сув тозаловчи воситаларни импорт қилишга ҳўжат қолмайди. Бошқа корхоналар билан келишувларимиз ҳам ана шу мақсадга хизмат қилади. Республика тармоқлараро саноат кооперациясини ташкил этганларга миннатдорлик билдирмоқчиман. Негаки, ярмарка мамлакатимиз иқтисодийоти нақадар жадал ривожланиб бораётганини кўрсатиб турибди. Масалан, Навоий, Олмалиқдаги кон-металлургия комбинатларида яқин истиқболда улкан лoйиҳалар амалга оширилади. Яқинда иш бошлайдиган "Uzbekistan GTL" минтақада тенги йўқ корхона ҳисобланади. Бухоро, Қашқадарё, Сурхондарёда нефть-газни қайта ишловчи янги қувватларни қуриш лoйиҳалари устида иш кетаяпти. Биз ҳам келгусидаги режаларимизни ана шундай улкан лoйиҳаларга қараб тузишга ҳаракат қиламиз. 2022 йилнинг ўзида қувватларимизни икки баробар кенгайтириб, йиллик ишлаб чиқариш ҳажминини 6000 тоннага етказмоқчимиз. Иш ўринлари сонини ҳам икки баравар ортқиб, 60 нафарни ташкил этади.

Мухтасар айтганда, Республика тармоқлараро саноат ярмаркаси наинки йирик ишлаб чиқариш корхоналари ва маҳаллий тадбиркорлик субъектлари ўртасида кооперация алоқалари кенгайишига, балки иштирокчиларга мамлакатимизда тайёрланаётган маҳсулотлар тўғрисидаги ахборотларни тақдим этиш, янги шартномалар имзолаш, ҳамкорлиқдаги истиқболли лoйиҳаларни режалаштириш учун ҳам ўзига хос эркин савдо майдони бўлиб хизмат қилди.

ЯНГИЧА ЁНДАШУВЛАР

Феруза ЖЎРАЕВА,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

Бугун иқтисодий-ижтимоий, экологик муаммоларга ечим топадиган кўплаб лойиҳалар илмий асосланиб, натижада турли ғайриодатий қурилмалар ҳақиқатга айланмоқда. Янгича ёндашувлар билан яратилаётган маҳсулотларнинг эса қулайликлари бисёр.



ИННОВАЦИОН ТАФАККУР — РИВОЖЛАНИШ МЕЗОНИ

Жорий йилнинг 1 апрелида Президентимизнинг “Илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантириш бўйича давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги фармони қабул қилинган эди. Хужжатга мувофиқ, Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳузурида Илм-фанни молиялаштириш ва инновацияларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар инновацион ривожланиш бошқармалари ташкил этилди. Мазкур ҳудудларда республикамиз ижтимоий ҳаётини юксалтиришга хизмат қиладиган илмий янгиликлар яратилиб, ишлаб чиқаришга татбиқ этилмоқда.

ГУЛ ЧАНГИНИ ТУТИБ ҚОЛУВЧИ ҚОПҚОН

Ҳудудларнинг инновацион фаолияти иқтисодий тараққиётни белгилловчи муҳим омиллардан бири бўлиб, иқтисодиётимизнинг етакчи соҳа ва тармоқларига ҳорижий инвестициялар ҳамда жаҳон брендларини фаол жалб қилиши билан ҳам аҳамиятли. Маҳаллий хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида юқори қўшимча қийматли тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни мақсад қилган инновацион ҳудудларда амалга оширилаётган лойиҳалар бири-биридан қизиқ, шу билан бирга, фойдали ҳамдир.

Жумладан, Ўргут инновацион ҳудудида яратилган гул чангларини ушлаб қолувчи қопқон қўлчиликка наф келтиради. Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳузуридаги Халқаро молекуляр аллергология марказининг бир қатор етакчи ходимлари аллерген бўлган гул чангларини прогност қилиш ҳамда бу маълумотлар асосида турли касалликларнинг олдини олиш бўйича изланишди.

Ўт-ўсимликларнинг аллерген чанглари бир неча юз метрга, дарахтларнинг гул чанглари эса ўнлаб километргача ёйилади. Бу, ўз навбатида, қатор касалликларни келтириб чиқариши ёҳуд организмда яширинган дарднинг “қитиқ патига тегиши” мумкин.

— Вена тиббиёт университети олимлари билан ҳамкорликда яратилган гул чанги қопқонлари махсус қуёш панеллари ёрдамида ишлаб, чанглари автоном равишда ҳар қандай иқлим шароитида ҳам тутиб қолади, — дейди Самарқанд вилояти Инновацион ривожланиш ҳудудий бошқармаси бош мутахассиси Алишер Норбоев. — Ўлкамиз ҳудудида энг кўп тарқалган аллерген қўзғатувчиларни аниқлаб, мониторинг тизимини шакллантириш мақсадида яратилган қурилма 80 километр радиусдаги ҳавода тарқаладиган гул чанглари тўғрисида билиш ва аҳолини хабардор қилиш имконини беради. Қопқонлар синов тариқасида Тошкент ҳамда Ўргут шаҳрида ўрнатилиб, Халқаро молекуляр аллергология маркази аэробология бўлими ходимлари томонидан гул чангларининг кўпайиб бориш шароитига қараб ўсимликларнинг гуллаш тақвими ишлаб чиқилди.

Инновацион лойиҳа орқали аэробология йўналиши ривожланиб, ҳудудларда кўп учрайдиган аллергия кўзгатувчиларнинг маълумотлар базаси шакллантирилади.

КОМБИНАЦИЯЛАШГАН ҚУРИЛМА — САМАРАЛИ ВОСИТА

Дунё миқёсида озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талаб ортиши ердан оқсолан фойдаланиб, қишлоқ хўжалиги экинларидан янада юқори ҳосил олиш ҳамда самарали фойдаланиш заруратини юзага келтирмоқда. Тупроқнинг унумдор қатламини сақлаб қолиб,



вақт ва харажатни тежашга хизмат қиладиган қурилмалар ана шундай талабларни қондириши билан эътиборга молик. Тошкент давлат аграр университети Самарқанд филиали изланувчилари бугйдан бўшаган майдонларга такрорий экин экадиган комбинациялашган агрегат иштиро қилишди. Қурилма майдонларнинг фақат экин экадиган қисмларига йўлақлаб ишлов бериш имконига эга. Зарур технологик текширувлардан самарали ўтган агрегат билан экин майдонининг 20-36 фоизига механик ишлов бериш мумкин. Йўл-йўл кўринишда қолган сомон ва ўсимлик қолдиқлари ер майдони юзасини қуёш нурларидан пана қилиб, катта ҳажмдаги сувни тежашга ҳам ёрдам беради. Ўргут туманида бир гектар майдонда синов тариқасида иккинчи экин экилиб, қурилманинг афзалликлари илмий исботланди.

Айтиш жоиз, анъанавий усулда плуг билан ерни чуқур ҳайдаганда тупроқнинг устки қатлами қирқилиб, ағдарилади. Натижада бегона ўтлар камайиши мумкин, лекин бу орқали ернинг юза қисмига чиқарилган моддалар қуёш нури, шамол ва бошқа омиллар таъсирида парчаланиб кетади. Шунингдек, бу жараёнда ўлгеларнинг атмосферага учиб кетиши ҳамда тупроқ эрозияси кучайиши мумкин. Бу эса унумдорлик пасайишига олиб келади. Катта миқдордаги ёнилғи ҳам сарфланади. Кесак ва палахсалар ўз ўрнидан қўчиб, таркибидеги зарур моддаларни йўқотгани боис, такрорий экинлар парвариши кечикиб, ҳосилдорликка салбий таъсир кўрсатади.

— Республикамизда 1 миллион гектардан зиёд суғориладиган ер май ва июнь ойларида асосий экинлардан бўшайди, — дейди техника фанлари доктори, профессор Исмоил Эргашев. — Эртапишар сабзавот ва картошкадан бўшайдиган майдонлар ҳам ҳисобга олинса, оралиқ экинлар экиш учун юртимизда 1,5 миллион гектар майдон мавжуд. Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш учун ушбу заҳира майдонларидан унумли фойдаланишимиз керак. Замоनावий қурилма комбинацияланган бўлиб, бир неча вазифани бир вақтнинг ўзига бажара олади. Яъни бир ўтишда дала юзасидаги ғалла пояларини майдалаб, пуштанинг юқори қисмини 15-20 сантиметргача юмшатади, ўғит солади ва экин экиб, тупроқни ҳам зичлайди. Ундан фойдаланиб, бир гектар ерга ишлов берилса, ёқилғи сарфи 60 фоиз тежаллади. Сув сарфи 400 метр куб, меҳнат ресурси эса уч баробар камаяди. Такрорий экинга ерни хоёрлаш учун кетадиган вақтни ҳам тежайди.

Ҳозирги кунда қурилманинг саноат намунаси яратилиб, тажриба-синов сифатида ишга туширилди. Асосий мақсад — пахта, бугдой ва шולי каби экинлардан бўшаган ерларга такрорий экин етиштириш ҳажмини ошириш. Комбинацияланган қурилма фермер ва кластерлар учун яхши дастёр бўлиб, сомон поясини ернинг ўзига қолдириб, атроф-муҳитга зарар етказмасдан, қишлоқ хўжалигида маҳсулот унумдорлигини оширишга имкон беради.

ҚОРАМОЛ БОҚИШГА ИМКОНИНГИЗ БЎЛМАСА, СОЯ ЭКИНГ

Фарғона вилояти Олтиариқ туманини инновацион ҳудудга айлантириш учун жами 6 миллиард 380 миллион сўм маблағ ажратилиб, қатор лойиҳалар амалга оширилди. Хусусан, виллоятда соя донидан сут ва сут маҳсулотлари ишлаб чиқариш технологияси ҳам йўлга қўйилган. Дони тариқибда

50 фоиз оқсил ва 28 фоизгача мой борлиги учун ўсимлик қимматбаҳо экинлар ғруҳига қиради. Экологик тоза ва сифатли хомашё саналган соядан болалар овқатлари, печеньелар, нон учун қўшимчалар, кофе-инсиз шоколадлар, кофе ўрнини босувчи маҳсулотлар тайёрланади. Шунингдек, саноатда линолуим, сифатли ва қимматбаҳо машина бўёқлари олинади. Ўсимлик донидан сут ва сут маҳсулотлари ишлаб чиқариш технологиясини маҳаллийлаштириш орқали истеъмол бозорининг катта талабини қондириш мақсад қилинган.

— Хитойда бир оиланинг сигир боқишга имкони бўлмаса, соя донидан сут тайёрлаб, ўз оиласи эҳтиёжларини қондиради, — дейди лойиҳа раҳбари Нафисасно Қодирова. — Маълумотларга кўра, бир килограмм соя донидан истеъмол учун 4-5 литр, буюқлар учун 8-10 литр сут олиш мумкин. Нон маҳсулотлари тайёрлашда соя унидан 20 фоиз қўшилса, тўйимчилиги 2 баробар ошади. Ўсимликнинг илдизлари ҳаводан соф азотни ўзлаштириб, тупроқни шу минерал билан бойитида. Ҳисоб-қисматларга кўра, соя экилган бир гектар майдонда 55-60 килограммгача азот тўпланади. Натижада тупроқ таркиби яхшиланиб, биологик жараёнларнинг бориши янгиланади. Биз иш фаолиятимизнинг дастлабки йилида 1000 тонна сут ишлаб чиқарамиз. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирадиган фермер хўжаликлари ва аҳолига соянинг хусусиятлари ҳақида кенгрок маълумот бериб, ишлаб чиқариш ҳажмини икки йилда икки баробар ошироқчимиз.

Фарғона политехника институтида амалга оширилаётган лойиҳа сабаб ўқув даргоҳи талабалари доимий иш билан таъминланиши баробарида қандали диабет билан касалланган беморлар учун биоқўшимчалар ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилади.

“АҚЛИ” СВЕТОФОР

Йўлга чиққан инсон учун, аввало, хавфсизлик ва кўзалган манзилга ўз вақтида етиб бориш жуда муҳим. Автомашиналарнинг чорраҳаларда асосиз тўхтаб қолиши сабаб юзага келган тирбандлик вақт йўқотишга сабаб бўлади. Фарғона политехника институти олимлари томонидан иштиро қилинган “Ақли” светофор ҳайдовчиларнинг сەҳаёт вақтини деярли 25 фоиз, тирбандлиқни эса 40 фоиздан кўпроқ қисқартириш имконини беради. Шунингдек, бу орқали машиналардан чиқаётган из газини 21 фоиз камайтириш мумкин.

— Бошқариш автоматлаштирилган мазкур қурилмадан истиалган пиедалар ўтиш жойларида фойдаланиш мумкин, — дейди лойиҳа раҳбари Султонали Абдурахмонов. — Иш режимининг қулай, арзон электрон блоқи ва компьютер дастури яратилган бўлиб, зарурий ҳолларда узини ўзи ишга тушириб, тўхта-та олади. Тизим IP камералар орқали ишлаб, машиналар оқимини аниқлайди ва светофорни бошқаради. Қурилма Фарғона вилоятидаги Марғилон, Дангара, Ёзёвон, Фуқрат, Риштон, Олтиариқ туманларида бозор олди ва мактабга кириш қисмларида тажриба сифатида ўрнатилган. Мобиль светофорнинг асосий қувват манбаи қуёш панели бўлиб, қурилманинг кечаю кундуз узулқисиз ишлашини таъминлайди.

Сенсорлар ёки видеокамералар муайян балангликда ўрнатилди. Улардан қабул қилинган сигнал реал вақт режимида марказий серверга узатилади. Шундан сўнг сервер светофор бошқарувчиларига қизил ёки яшил чироқни қанча вақт ёқишни буюради. Англаш мумкинки, мазкур дастур ўзи қарор қабул қилиши, бошқа светофорлар билан “маслаҳатлашиш” ва улар билан синхрон равишда ишлаши мумкин. Бу орқали пиедалар ўтмайдиган мuddатда машиналар асосиз тўхтаб туришининг олди олинади. “Ақли” светофор тизими йўл ҳаракати ҳолатини 15-30 дақиқа олдин тахмин қилиш ва транспортни бошқаришнинг самарали режасини олдиндан ишлаб чиқишга қодир. Динамик бошқарув тизими ишламай қолганда эса светофорлар автоном режимга ўтади.

Янгича дунёкараш илмий янгилик ва кашфиёт сари ундайди. Бу эса тараққиётга бошлайдиган йўлдир. Бугун юртимизда янги технологияларни ҳаётга кенг жорий этишга, олимлар фаолиятини рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу илмий-тадқиқот муассасалари ва инновацион фаолиятни ривожлантириш билан боғлиқ механизмнинг тўла ишлаши учун барча имкониятлар яратилганидан дарак беради. Демак, биз буюк алломаларимиз илмий-маърифий меросининг вориси бўлибгина қолмай, уларнинг издоши, давом этирувчиси сифатида янгиликлар яратишимиз керак.

АНЖУМАН

РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

Шерзод ҚУРБОНОВ,
Тошкент давлат иқтисодиёт университети
ахборот хизмати бош мутахассиси

Дунё янгиланмоқда. Шиддатли даврда интеллектуал билим бошқарувда муҳим роль ўйнапти. Замоनावий илмлар, IT технологиялар, сунъий интеллект аллақачон барча соҳаларга кириб борди. Бу жараёнда, айниқса, рақамли иқтисодиёт таянч нуқтага айланмоқда.

Мазкур йўналишда мамлакатимизнинг дунё давлатлари билан ҳамкорлиги кенгайиб борапти. Хусусан, жорий йил 15-16 декабрь кунлари Тошкент давлат иқтисодиёт университети Коммуникацияларни бошқариш, дастурлаштириш ва рақамли иқтисодиёт (CMSDE) бўйича I халқаро конференцияга мезбонлик қилди. Йирик форматдаги тадбир онлайн тарзда хорижий мамлакатларда ҳам кузатиб борилиди.

“Келажак тармоқлари ва тақсимланган тизимлар” мавзусидаги халқаро анжуман Буюк Британиянинг Манчестер университети томонидан ташкил этилган бўлиб, бир вақтнинг ўзига Бирлашган Араб Амирликларининг Дубай шаҳрида ҳам ўтказилди. Қолаверса, Вьетнам, Буюк Британия, Малайзия, Россияда анжуманнинг тармоқ конференциялари давом этди. Уларнинг барида бир мақсад — компьютер коммуникациялари, дастурлаш ва рақамли иқтисодиётдаги сунъий технологик ўзгаришларни атрофлича қўриб қиқиш, нафақат халқаро иқтисодиётни таълим соҳасига кенг татбиқ этиш, балки кадрлар тайёрлаш орқали жаҳон тараққиётига ҳисса қўиши устувор ўрин тутгани билан ҳам аҳамиятлтидир.

— Мамлакатимизда ушбу соҳа тобора ривожланиб борапти ва бунда Президентимизнинг 2020 йил 29 октябрдаги “Илм-фани 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармони асосий таянч саналади, — дейди ТДИУ ректори Қўнғиротбой Шарипов. — Ҳозирги кунда дунё сиёсатчилари, иқтисодчилар, журналистлар, тадбиркорлар, умуман, барча соҳа вакиллари “рақамли иқтисодиёт” атамасини фаол қў-



ламоқда. 2016 йилда Жаҳон банки дунёдаги рақамли иқтисодиётнинг аҳоли ҳақида, яъни “Рақамли дивидентлар” бўйича илк марта ҳисобот ҳам эълон қилди. Бу бежиз долзарб аҳамият касб этмаяпти. Боиси, биз тараққиётнинг янги босқичидамиз ва уни рақамли иқтисодиётсиз тасаввур этиб бўлмайди.

“Рақамли иқтисодиёт” атамаси иқтисодий, ижтимоий ва маданий алоқаларни рақамли технологияларни қўллаш асосида амалга оширишни англатади. Баъзида у интернет иқтисодиёти, янги иқтисодиёт ёки веб иқтисодиёт каби терминлар билан ҳам ифодаланади.

Юртимизда ўтказилган халқаро анжуман соҳадаги сунъий янгиликларни қамраб олгани билан ҳам иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди. Тадбир тадқиқотчиларга WSN, loV, IoT, BAN, шифрлаш, блокчейн шифр ва рақамли иқтисодиёт бўйича сунъий тадқиқотлар натижаларини тақдим этишлари учун платформа вазифасини ўтади.

фаолият ҳақида тўлиқ ахборот бермасликнинг иложи йўқ, компьютер ҳаммасини намён қилиб қўяди. Маълумотлар кўпчилиги ва тизимлиги ёлгон ҳамда қинғир ишларга йўл бермайди, чунки тизимни алдаш имконсиз. Бу эса иқтисодиётга легал маблағлар оқимини оширади, солиқлар ўз вақтида ва тўғри тўланади, бюджет тақсироти очик бўлади, ижтимоий соҳага йўналирилган маблағлар ўғирланмайди, мактаблар, шифохоналар, йўللарга ажратилган пуллар тўлиқ етиб боради.

Конференциянинг амалий натижалари ҳам тадқиқотчилар учун фойдалидир. Унда танлаб олинган мақолалар ACM ICPS, DBLP, Scopus ва Thomson Reutersда текширилади ва индексация қилинадиган халқаро конференция материаллари серияси (ICPS)да нашр этилади. Бу эса яқин истиқболда ушбу йўналишдаги таълим сифатини оширишда самара беради.

ТАНЛОВ



Олмалик шаҳридаги “Металлург” маданият саройида Республика Маънавият ва маърифат маркази ва бир қатор ташкилотлар ҳамкорлигида “Ватан тараққиётига менинг ҳиссам” республика танловининг Тошкент вилояти босқичи бўлиб ўтди.

“ВАТАН ТАРАҚҚИЁТИГА МЕНИНГ ҲИССАМ”

— Президентимизнинг 2019 йил 3 майдаги “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ижроси доирасида ташкил этилган танлов иқтидорли ёшларнинг фаолияти, эришган ютуқларини юртимиздаги барча йигит-қизларга ибрат ва намунага айлантиришда муҳим аҳамият касб этади, — дейди Тошкент вилоят ҳокимининг ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Зухра Мирғозиева. — Энг асосийси, мазкур танлов илм-фан, санъат, маданият, ахборот технологиялари, бадий ижод, архитектура, дизайн, тадбиркорлик, хунармандлик каби соҳаларда фаолият юритаётган ва юқори натижаларга эришаётган иқтидорли, изланувчан ёшларни аниқлаш ҳамда муносиб рағбатлантиришга қаратилгани билан эътиборга молик. Таъкидлаш жоизки, танлов нафақат ёш иқтидор эгаларини кашф этади, балки шижоатли, ташаббускор ёшларнинг янги ғоя ва янги ташаббуслар билан чиқишига ҳамда баддиглини таъминлашга хизмат қилади.

Танловнинг саралаш босқичи жорий йил 8-22 ноябрь кунлари вилоятнинг барча туман ва шаҳарларида “Миллий мақом ва миллий эстрада”,

“Тасвирий ва амалий санъат”, “Адабиёт ва публицистика” йўналишларида бўлиб ўтган эди. Унда қатнашиш учун ариза топширган 400 нафарга яқин ёшлардан 66 нафарининг ижодий ишлари ва яратган асарлари ҳакамлар ҳайъати томонидан баҳо-ланди. 17 нафар иштирокчи биринчи, иккинчи ва учинчи даражали диплом ҳамда эсдалик совғалар билан тақдирланди.

“Миллий мақом ва миллий эстрада” йўналишида Ангрен шаҳридан Шаҳзод Абдуқўлов, “Тасвирий ва амалий санъат” йўналишида Ангрен шаҳридан Абдурахим Уралов, “Адабиёт ва публицистика” йўналишида эса Ўрта Чирчиқ туманидан Отабек Исроилвон олий ўринга муносиб деб топилди. Ҳалилар танловнинг республика босқичида иштирок этади.

— Бу танлов биз каби ёшлар қалбига ижодий қувват бериш барибарида ўзимизга ишончини янада мустаҳкамлайди, рағбат ҳамда катта куч бағишлайди. Энг асосийси, келажакдаги эзгу мақсадларимиз амалга ошишида истиқболли ва нузли йўллар сари қорайверади, — дейди танлов ғолиби Отабек Исроилвон.

Гуличеҳра ДУРДИЕВА,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири



Бахшичилик Халқаро даражада Эъзо топди

Дониёр ТОШБОЕВ,
журналист

Бахшиси бор элнинг — бахти бор, деганларидек, бугун бахтимиз кўлиб бокди. ЮНЕСКОнинг Номоддий маданий меросни муҳофаза қилиш бўйича ҳукуматлараро кўмитаси XVI сессияси доирасида “Бахшичилик санъати” Ўзбекистоннинг номоддий маданий мероси элементи сифатида Инсоният номоддий маданий мероси репрезентатив рўйхатига киритилди. Бахшичилик санъати номзоди Ўзбекистоннинг ЮНЕСКО ишлари бўйича миллий комиссияси томонидан тайёрланиб, 2020 йилда тақдим этилган.



йўли билан жаҳон маданий мероси объеклари жумласига киритилиши мумкин.

Маданий мерос объеклари тарихий-маданий экспертизасининг ҳулосаси асосида юртимиз маданий мерос объекларини Жаҳон маданий мероси рўйхатига ёки Инсоният номоддий маданий меросининг репрезентатив рўйхатига киритиш тўғрисидаги таклифлар ҳамда БМТнинг Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича таъкилот (ЮНЕСКО) ҳузуридаги Жаҳон мероси кўмитаси ва Номоддий маданий меросни муҳофаза қилиш бўйича ҳукуматлараро кўмита талабларига мувофиқ расмийлаштирилган ҳужжатлар юридик ва ҳисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикасининг ЮНЕСКО ишлари бўйича миллий комиссиясига юборилади.

Номоддий маданий мерос йўналишида эса, олтимиздан зиёд номзод киритилган эди. Улардан бири бахшичилик санъати бўлиб, жорий йил 16 декабрь санасида ЮНЕСКОнинг Инсоният номоддий маданий мероси рўйхатига киритилди. Шу муносабат билан Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев бахшичилик санъати намояндалари ва муҳлисларига табрик йўллади. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, “Бахшичилик санъати юртимиздаги турли миллат ва элатлар ўртасида ўзаро ҳурмат, бир-бирини тушуниш ва ҳамжихатлик муҳитини янада мустаҳкамлаш йўлида беминнат хизмат қилиб келди ва бугунги кунда ҳам бу шарафли вазифани тўла адо этмоқда. Ешларни она юртва, миллий-маданий қадриятларимизга садоқат руҳида тарбиялаш, уларни адолат ва инсонийликка қорлаш, барқамол авлод бўлиб вояга етишида эзгулик элчилари бўлган бахши, оқин ва жировларнинг ўрни ва таъсири беқиёсдир”.

Таъкидлаш лозимки, “Ипак йўли: Фарона — Сидраб ҳавзаси”, “Ипак йўли: Зарафшон — Қорақум”, “Сахродаги қасрлар”, “Хонбанди”, “Қадимий Термиз” номзодлари ўзидан Андижон, Наманган, Фаргона, Тошкент, Жиззах, Самарқанд, Навоий, Бухоро, Сурхондарё вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасидаги тарихий-маданий меросимизнинг қўллаб объекларини қамраб олади. Ўзбекирдан четда қолаётган объектиларимиз рўйхатини тузиш, уларни рўйхатга олиш, тарихийлиги ва аҳамиятини асослаш ишларини давом эттириш мақсадида олиб борилган ўрганишлар янги номзодлар мавжудлигини кўрсатди.

Хусусан, ЮНЕСКОнинг Инсоният номоддий маданий мероси рўйхатига номзод сифатида “Сумалак тайёрлаш — халқ сайли”, “Келин салом — миллий удум”, “Андижон полкиси” — миллий шиддат намунаси”, “Терма — инсон ва табиат бирлиги”, “Хунармандлик — Самарқанд қозонини тайёрлашнинг ўзига хос жиҳатлари”, “Доира ясаш услублари ва ижро маҳоратлари”, “Карнай садолари — байрамлар жарчиси”, “Най наволари — мазийга назар” каби ҳали рўйхатга олинмаган ва ўз навбати кутуб турган қанчадан-қанча номоддий мерос объектиларимиз мавжуд. Албатта, бу объектилар номзод сифатида илмий тадқиқ этилиши, экспертизадан ўтказилиши, мутахассислар ҳулосаси талаб этилади.

Таъкидлаш лозимки, бу борада ҳали қилинган ишларимиз етарли. Тарихий-маданий меросимизга, табиий ҳудудларга янгича назар билан қараш талаб этилади. Халқимиз орасида асраб-авайлаб қелинаётган моддий ва номоддий меросни анниклашга ҳар биримиз ўз ҳиссамизни қўлишимиз лозим. Ана шунда асрлар оша қадриятларимизни ўзида жо этган меросимиз тарих қаърида қолиб кетмайди, ўзининг бўйбастини намоён этади, ўзигилимизни, ўзимизга ҳосилигимизни эслатиб туради.

ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК

ЎЗБЕКИСТОН — МИСР: ИЛМ-МАЪРИФАТ ЙЎЛИДА АЛОҚА КЎПРИГИ

Ўзбекистон ва Миср ўртасидаги дўстона ҳамкорлик кўп асрлик бой тарихга эга. Мовароуннаҳр ва Миср диёрида яшаб ижод қилган мулуғ бобокалонларимизнинг ноёб илмий-маърифий мероси бутун сулмон оламининг бебаҳо бойлиги ҳисобланади. Буюк аждодимиз Аҳмад Фарғоний Мисрда яшаб, ўлмас кашфиётлар қилган. Жумладан, аллома бунёд этган, Нил дарёси сувини ўлчайдиган “Миқёси Нил” иншооти бугунги кунда ҳам Миср халқи фаровон ҳаёти ва давлат тараққиётига хизмат қилаётгани эътиборлидир. Қоҳира шаҳрида, Нил бўйида Аҳмад Фарғоний шарафига ўрнатилган ҳайкал халқларимиз ўртасидаги азалий дўстликнинг ёрқин рамзига ҳам айланган.

**Музаффар КОМИЛОВ,
Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги
Дин ишлари бўйича кўмита
раисининг биринчи ўринбосари,
Ўзбекистон халқаро ислом
академияси ректори**

Сўнгги йилларда Ўзбекистон ва Миср ўртасида кўп томонлама алоқалар жадал ривожланмоқда. Бу борада икки давлат раҳбарлари — Президент Шавкат Мирзиёев ҳамда Президент Абдулфаттоҳ ас-Сийй томонидан олиб борилаётган ҳамкорлик стратегияси муҳим ўрин тутмоқда. Ўзбекистон халқаро ислом академияси ҳамда Мисрдаги қатор олий таълим ва илмий-тадқиқот марказлари ўртасидаги ҳамкорлик мунтазамлик касб этгани ҳам эътиборлидир. Айниқса, Таълим, фан ва маданият бўйича ислом таъкилот — ICESCO билан дўстона муносабатлар ривожланиб бормоқда.

“Илмни Чин (Хитой)да бўлса-да ўрган”

Яқинда Миср Араб Республикаси пойтахти Қоҳира шаҳрида 60 дан зиёд аъзо давлат иштирокида ICESCO Ижроия кенгашининг 42-сессияси ҳамда XIV Бош конференцияси бўлиб ўтди. Мазкур анжуманда юртимиз делегацияси ҳам фаол иштирок этди.

Авалло, таширф давомида Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича кўмита ва юртимиз элчихонаси ҳамкорлигида Мисрдаги турли олий таълим ҳамда илмий-тадқиқот марказларида таҳсил олаётган ўзбекистонлик талаба-ёшлар билан учрашув ўтказилди. Бош қонунимиз қабул қилинган кун байрами арафасида таъкил этилган ушбу тадбирда машҳур “Илмни Чин (Хитой)да бўлса-да ўрган” ҳадисига риоя қилиб, хорижий мамлакатда илм-фан сирларини эгаллаётган ватандошларимиз ютуқ ва муаммоларини ўрганиб, Ўзбекистонда ёшлар келажаги учун яратилаётган имкониятлар, диний-маърифий, илм-фан соҳаларидаги тўт ислохотлар хусусида самимий суҳбатлашдик. Дўстона учрашувда ёшларимизга, энг аввало, хорижий давлатда ўзбек халқининг шаъни ва фахри эканини доимо ёдда тутиб, миллий ўзгилгимизни қадрлаш ва улуг аллома боболаримизга муносиб бўлишга интилиш лозимлиги таъкидланди.

**Ал-Азҳарнинг ҳар бир талабаси
Насафийни билади**

Ўзбекистон халқаро ислом академияси таъкил топгандан буён Мисрнинг дунёга машҳур Ал-Азҳар университети билан ҳамкорлик ривожланиб бормоқда. Шу боис, бугунги кунда кўплаб ёшларимиз мазкур нуфузли олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасасида дунё илм-фани сирларини ўрганиб, изланишлар олиб бормоқда.

Таширф давомида делегациямиз Ал-Азҳар мажмуасида ҳам бўлди. Таниқли испомхўнас олим, мажмуа раҳбари ўринбосари Абдурахмон Муҳаммад ад-Дувайний билан учрашув чоғида бу ерда таҳсил олаётган Ўзбекистон халқаро ислом академияси талабаларига қўшимча шaroитлар яратиш, уларнинг суф ислом маърифати ва ақидасини чуқур ўрганиш учун мақсус ўқувлар таъкил этиш бўйича қўшимча келишувга эришилди. Бу борадаги ҳамкорлиқни ривожлантиришда икки томонлама профессор-ўқитувчилар алмашинувини кенгайтириш юзасидан амалий таклифлар билдирилди.

Ўз навбатида, Абдурахмон Муҳаммад ад-Дувайний учрашувдан мамнунлигини, икки муассаса ўртасидаги алоқаларни янада ривожлантириш, талабалар, ёш илмий тадқиқотчилар, тахрибали устозлар алмашинувини йўлга қўйиш, онлайн семинар, конференциялар ўтказишдан ҳар икки томон ҳам манфаатдор эканини таъкидлади.

Ислом цивилизацияси ривожида Имом Бухорий, Имом Термизий, Абул Муин Насафий каби

ўзбек алломалари ҳиссаси алоҳида, — деди суҳбатда ад-Дувайний. — Эътиборлиси, илм даргоҳи-мизда таҳсил оладиган ҳар бир талаба Абул Барокот Насафийнинг “Мадорик ут-танзил ва ҳақиқ ут-таъвил” асарини мутолаа қилиши, чуқур ўрганиши талаб этилади. Зеро, ушбу китоб муқаддас ислом динининг соф илмий маърифатини ўрганишда ноёб қўлланмадир. Дарҳақиқат, қадимдан Ўзбекистон замини буюк алломаларга бешик бўлган ватан. Муҳими, бугун ҳам ўзбек ёшлари илм олишда буюк аждодларига муносиб авлод бўлиб қамол топмоқда.

Дўстона фикрлашувларда кўп томонлама ҳамкорлиқни янада кенгайтириш, айниқса, диний экстремизмга қарши курашиш бўйича Ал-Азҳар обсерваторияси ҳамда Дин ишлари бўйича кўмита ўртасида имзоланган меморандум асосида экспертларнинг доимий мулоқотини тизимли таъкил этиш бўйича қўшимча вазифалар белгилаб олинди.

**Ўзбекистон — ICESCOнинг
энг тартибли аъзоси**

Қоҳира шаҳрида Таълим, фан ва маданият бўйича ислом таъкилот (ICESCO)нинг XIV Бош конференцияси ҳам амалий ҳамкорлик алоқаларини янги босқичга кўтарди.

Таъкилот 1979 йилда таъкил топган бўлиб, бош қароргоҳи Марокаш пойтахти Рабат шаҳрида жойлашган. Таъкилот аъзо давлатлар ўртасида таълим, фан, маданият ва коммуникация соҳаларида ҳамкорлиқни мустаҳкамлаш, халқлар ҳамда динлар ўртасида дўстона муносабатларни ўрна-тишга муҳим эътибор қаратиб келмоқда. Ислом



олами ва дунё тамаддуни ривожида Ўзбекистоннинг ўрни беқиёс бўлгани боис ICESCO таъкилот билан ўзаро ҳамкорлик ривожланиб бормоқда. Конференцияда Миср Президенти Абдулфаттоҳ ас-Сийй ҳамда ICESCO Бош котиби, доктор Салим ал-Малик қатнашди. 60 дан ортқ аъзо давлат делегациялари иштирок этган нуфузли анжуманда таъкилотнинг 2022-2025 йилларга мўлжалланган ўрта муаддатли стратегияси тақдим этилиб, келгуси режалар белгилаб олинди.

Муҳокамалар давомида турли делегацияларнинг таълим, илм-фан ва технология, маданият соҳаларини янада ривожлантириш борасидаги ҳисоботи ҳамда режа ва таклифлари қуриб чиқилди. Шунингдек, коронавирус пандемиясига қарши курашиш, унинг салбий асосатларини бартараф этиш, соғлиқни сақлаш, экологик муаммоларга ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Пандемиядан сўнг таълим соҳасидаги янгиланиш, ўзгаришлар ҳақида маърузалар тингланди.



ICESCO Бош котиби Салим ал-Малик таъкилотта аъзо давлатларнинг ишларини таҳлил қилар экан, энг тартибли аъзо давлатлар қаторида Ўзбекистонни ҳам эътироф этди. Бундан ташқари, ICESCO Ўзбекистон билан ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантиришдан мамнун эканини, рақамли технологиялар, космик тадқиқотлар ривожида юртимиз алломалари, хусусан, Ал-Хоразмийнинг беқиёс ҳиссаси борлигини алоҳида таъкидлади.

**Ал-Хоразмий қўйган пойдевор бугун
муҳташам мажмуага айланди**

Таъкилотнинг XIV Бош конференциясида Бош котиб Салим ал-Малик: “Бугунги рақамли технологиялар ривожида, айниқса, фазо илмлари, космик тадқиқотлар тараққиёти учун инсоният, энг аввало, Ал-Хоразмийга таъзим қилиши керак. Зеро, VIII-IX асрларда яшаган қомусий аллома Ал-Хоразмийнинг илм-фандоғи кашфиётлари ва у қилиш қўйган мустаҳкам пойдевор бугунги кунга келиб муҳташам мажмуага айланди”, деб қайд этгани бизни фахрлантирмай қўймайди, албатта.

Конференциянинг очилиш маросимида Миср Президенти Абдулфаттоҳ ас-Сийй ҳам иштирок этиб: “Бугунги кунда ёшлар тарбияси, илм олиш учун ислом диёрларида ҳам эътибор янада ошмоқда. Зотан, ёш авлод таълим-тарбияси, уларнинг илм-фан сирларини ўрганиши ёруғ келажаққа пойдевордир. Тан олиш керак, бугун инсоният тараққиёти рақамли технологияларга бевосита боғлиқ бўлиб бормоқда. Эътиборлиси, ушбу илмнинг тамал тоши ислом оламининг буюк намоёнаси Ал-Хоразмий томонидан қўйилган. Бу барча муаммолар учун фахрдир”, деб алоҳида таъкидлаб ўтгани қалбимизни тўлқинлантирди.

Ушбу эътирофлар ёшларимизга билим олиш йўлида бардавом бўлиш, аждодларга муносиб авлод бўлиб вояга етиш масъулиятини ҳам юклайди.

Шу маънода, давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев томонидан юртимизда Учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш устувор мақсади асосида таълим-тарбия тизимида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар бугунги ёш авлоднинг замонавий илм-фан, касб-ҳунар ҳамда диний-маърифат соҳаси билимларини чуқур эгаллаб, улуг боболаримиз меросини давом эттиришга хизмат қилиши шубҳасиз.

Нуфузли анжуманда Ўзбекистонда таълим соҳасидаги ўзгаришлар ҳақида хорижий ҳамкасбларимизни ҳам бохабар этдик. Илм-фаннинг инновациялар технологиялар, киоинотни ўрганиш, суъний интеллект каби замонавий йўналишларида ҳам илмий-амалий тадқиқотлар олиб борилаётгани барча иштирокчилар эътиборини тортиди. Бунинг учун юртимизнинг барча ҳудудларида энг сўнгги русумдаги технологиялар билан жиҳозланган IT парклар, илмий-тадқиқот марказлари ва институтлар таъкил этилмоқда.

Бундан ташқари, юртимизда сақланаётган 100 мингдан ортқ қўлёзма ва тошбосма асарлар орасида астрономия йўналишида турли тиллардаги 200 дан ортқ қўлёзмами замонавий илм-фан билан уйғунлаштириш, илмий муомалалар олиб кириш зарур. Бугунги кунда республикада ислом динини илмий асосда ўрганиш мақсадида Ўзбекистондаги ислом цивилизацияси маркази, Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот марказлари, Самарқанда Ҳадис илми мактаби, Бухорода Мир Араб олий мадрасаси каби ўнлаб илмий-маърифий муассасалар фаолият кўрсатяпти. Айниқса, Тошкент шаҳрида барпо этилаётган Ўзбекистондаги ислом цивилизацияси маркази халқимизнинг бош диний-маънавий меросини чуқур ўрганиш ва дунёга тарғиб этиш, ёш авлоднинг миллий ва умумбашарий қадриятлар руҳида тарбиялашда беқиёс ўрни тутади. Юртимиздаги кенг миқёсдаги ислохотлар конференция иштирокчилари олиқишга сазовор бўлди.

**Тошкентдаги ICESCO кафедраси
энг намунали ва етакчи бўлади**

Мазкур анжумандан сўнг ICESCO Бош котиби, доктор Салим ал-Малик билан учрашув бўлиб ўтди. Самимий мулоқотда Ўзбекистон халқаро ислом академиясининг “Испомхўнослик ва ислом цивилизациясини ўрганиш ICESCO” кафедраси самарали фаолият юритиб, ёшларнинг чуқур билим олишида муҳим аҳамият касб этаётганини эътироф этилди. Кафедра ICESCO томонидан дунёнинг бошқа олий таълим муассасаларида таъкил этилган ICESCO кафедралари ўртасида энг намунали бўлиши таъкидланди. Шу ўринда бугунги кунда дунёдаги 18 та олий таълим муассасасида ICESCO кафедраси борлигини қайд этиш жоиз.

Ўз навбатида, Бош котиб дунёнинг турли олий таълим муассасаларидаги ICESCO кафедралари ўртасида ўзаро ҳамкорлик ва соғлом рақобат муҳитини яратиш таклифини маъқулади ва уни амалга ошириш юзасидан келишиб олинди.

Конференциядан сўнг ICESCOнинг фан ва технология бўлими бошлиғи, профессор Раҳел Қамар ҳамда ICESCO технологиялари маслаҳатчиси, доктор Муҳаммад Шариф билан ҳам мулоқотда ислом дунёси мамлакатларида космик тадқиқотларни ривожлантириш масалалари ҳақида фикр алмашилди. ICESCO вакиллари само илмларини ўрганиш Ўзбекистонда тарихан ривожлангани, сўнгги йилларда мазкур соҳага эътибор янада ортганини алоҳида қайд этди.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока”
газеталари тахририяти) ДУК

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган таъкилот жавобдор.
Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “KOLORPAK” МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январьда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашир индекси — 236. Бутуртма — 4208.

75974 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. **Қоғоз бичими А2.** Баҳоси келишилган нархда.

“KOLORPAK” МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Босмахона маълиси: Ўзбекистон, 100060.
Тошкент, Янги шаҳар кўчаси, 1-А уй.
Босмахона телефон: (78) 129-29-29

Навбатчи муҳаррир: Мухтасар Тожимаматова
Мусаҳҳих: Шерзод Махмудов
Дизайнер: Зафар Рузиев

Манзиллими:
100029, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

ЎзА якуни — 23:40 Топиридли — 01:25